Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси тўғрисида ахборот

1999 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий Хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни мамлакат Президенти, Миллий Хавфсизлик Кенгаши Раиси Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қўйилаётган замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар доирасида армиямиз тузилишини янада такомиллаштириш, қўшилмалар ва қисмларнинг жанговор тайёргарлиги даражасини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қурилишига оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

Пахтачиликда Исроил технологияси

Ўтган йили йўлбошчимизнинг Исроилга сафари чоғида пахта етиштириш билан боғлиқ технология ва тажрибалар ҳақида янгича маълумотлар аён бўлган эди. Йўлбошчимиз Исроил тадбиркорларини мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишга чорлагандилар. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Жиззах туманидаги «Самарқандқудуқ» ижара ширкат бирлашмасида Исроил технологиясига асосланган пахта етиштириш учун 100 гектар майдон ажратилди. Ҳозир ана шу майдон пахта экишга тайёрланмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Ҳуқуқий онг — ислоҳотлар омили

Тошкентдаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ташаббуси билан Аброр Ҳидоятов номидаги маҳалла, 106-мактабда ҳуқуқий таълим ва тарбияга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда юридик фанлари доктори З. Исломов «Ҳуқуқий онг — ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим омили» мавзусида маруза қилди. Маҳалла раиси, доцент М. Ғуломов, ҳуқуқшунос Ж. Холмўминовлар сўзга чиқиб, ҳуқуқий тарбияга оид кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Юнус ЗИЁДОВ

Мурувват ҳам ҳажга тенг

Китоб туманида ўтказилган «Бор бўлсин меҳр-оқибат» марафони иштирокчилари таниқли қулол Файзулло бобо Абдуллаевга тасанно айтишди. Гап шундаки, икки марта ҳаж амалини бажарган бобо энди ўз жамғармасидаги 230 минг сўмлик маблағини савоб учун ажратди. Бобо ун, гуруч, чой ва бошқа маҳсулотлар харид қилиб, 200 дан зиёд муҳтож оила ва етим-есирларга улашди. Чинакам мурувватнинг савоби ҳаж амалидан кам эмас, деб шуни айтсалар керак.

(Ўз мухбиримиз)

Фойдали мулоқот

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Фридрих Эберт номидаги Фоннинг (Германия) Марказий Осиёдаги мувофиқлаштирувчиси Альфред Дибольд ва мазкур муассасанинг Ўзбекистондаги вакили Ноила Резянова таркибидаги делегацияси қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонларга партия, унинг таркиби ва фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Самимият руҳида ўтган учрашувда, шунингдек, ХДП билан Ф. Эберт Фонди ўртасидаги алоқаларнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболлари хусусида фойдали мулоқот бўлиб ўтди. Томонлар ушбу алоқаларни давом эттириш ҳамда амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Республикамизда фуқаро авиациясини ривожлантириш ва замонавий авиация техникасини ўзлаштиришдаги хизматлари, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Журавлев Николай Иванович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 243-заводи техник хизмат кўрсатиш маркази бош менежери

«Шуҳрат» медали билан

Михайлов Валерий Юрьевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг А-310/БОИНГ цехи техниги

Расулов Мўмин Заирович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учиш мажмуаси «БОИНГ» учиш гуруҳи сардори

Рахманкулов Артур Марсельевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учиш мажмуаси RJ-85 авиагуруҳининг учувчи-йўриқчиси

Сайдазимов Зархўжа Муратович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учиш мажмуаси раҳбарининг I-муовини вазифасини бажарувчиси

Салиев Мирзахид Зиятович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг А-310/БОИНГ цехи режалаштириш ва назорат бўлими бошлиғи

Салимов Сергей Мартиевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг А-310/БОИНГ цехи бошлиғининг ўринбосари

ва қуйидагиларга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони берилсин:

Кузьминский Алексей Станиславович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учиш мажмуаси «БОИНГ» учиш гуруҳи учувчи-йўриқчиси

Ғуломов Эркин Зайнутдинович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг учувчилар мажмуаси раҳбари

ҳамда қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Абдушахманов Рашид Равильевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг РУ-85 сонли цехи техниги

Кадермеев Фозил Имамутдинович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг ҳаво алоқалари бош агентлиги директори

Путиев Ярослав Юрьевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг РУ-85 сонли цех бошлиғининг ўринбосари

Ҳамидов Алишер Йўлдошевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 243-заводи учиш-синов бўлинмасининг техниги

Ўзбекистон Республикаси Президенти *И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
1999 йил 27 январь

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1999 йил 28 январь, пайшанба • № 11 (24.406). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистоннинг янги «само лочини»

❍ «ИЛ-114-100» самолёти муваффақиятли синовдан ўтди.

❍ Лочиннинг техникавий салоҳияти барча мутахассисларни лол қолдирди.

❍ Ҳозирданоқ унинг харидорлари сафи кенгаймоқда.

❍ Янги самолёт ўзининг ўтмишдоши «ИЛ-114»га нисбатан двигателининг ишончли ва қудратли эканлиги билан анча устун туради.

Мана ниҳоят орзиқиб кутилган дамлар келди. Мустақил Ўзбекистонимизда яна бир қувончли воқеа нишонланди. Ўтган сешанба куни Ўзбекистон замини ўзининг яна бир само лочини — пўлат қанотли қушини учирма қилди. «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акционерлик жамиятининг синов майдонидамиз. Эрталаб соат 11 00. Кенг майдон корхона мутахассислари, ишчилар, узоқ-яқиндан келган хорижий меҳмонлар ва журналистлар билан гавжум. Майдон ўртасида эса парвозга шайлаб қўйилган само лочини. Уни ҳамма ҳавас билан, қалбида қувонч ва ифтихор билан томоша қилмоқда. Ана шундай дамларда Ўзбекистондек бағри кенг, келажаги буюк давлатда яшаётганингдан фахрланасан киши.



Мана ниҳоят парвозга кўтарилиш учун махсус ҳужжатлар имзоланди. Учувчилар — И. Гудков, В. Титов, В. Мишкин, В. Свиридов ва А. Ульяншинлардан иборат экипаж самолёт бортига кўтарилади. Самолётнинг улкан парраклари ҳаракатга келади. Пўлат қуш депсинмай, силтанмай, оҳиста силжийди. Ва тобора тезлигини ошириб боради. Қисқа фурсатда ғилдираклар ердан узилади. Шу ўринда эслатиб ўтиш керакки, одатда самолётлар қўзғалганда кучли шовқин кўтариларди. Бу самолётда эса шовқин унчалик сезилмади ҳам. Бу эса барча мутахассислару меҳмонларни қойил қолдирди. Самолёт осмон узра бир неча бор чарх уриб парвоз айлади. Ва шундан сўнг ерга оҳиста қўнади. Олқишлар янграйди.

Маҳаллий ҳаво йўлларида парвоз этишга мўлжалланган ушбу лочин 64 йўловчини қисқа муддатда ўз манзилига етказади. Унинг имкониятлари эса жуда катта. Янги самолётнинг келажаги ҳам, истиқболи ҳам порлоқ. Унинг негизида яна бошқа русумдаги самолётлар ҳам яратилиши имкони мавжуд.

Маълумки, 1995 йили Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида «Илюшин» трансмиллий молия-саноат гуруҳи ташкил этишга келишилган эди. Шунга биноан Ўзбекистон томонидан «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акционерлик жамияти, Россия томонидан С. Илюшин номидаги авиасозлик компанияси ҳамда Воронеж авиасозлик бирлашмаси ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқда. «ИЛ-114-100» самолётининг муваффақиятли синовдан ўтиши ўзаро ҳамкорликнинг дастлабки босқичи кўнгилдагидек якунланганидан далолат беради.

Дарвоқе, янги самолёт сифат ва таркиб жиҳатдан анча ўзгарган. Ўзининг техник кўрсаткичлари, қулайлиги, кўплаб бошқа жиҳатлари билан халқаро андозалар талабини тўла қондиради. «Ил-114-100» самолёти россиялик конструкторлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган. Лойиҳага Канаданинг «Пратт энд Уитни» компанияси ҳам жалб қилинган бўлиб, самолётга шу компания томонидан ишлаб чиқарилган PW-127H двигателлари ўрнатилган.

Синов парвози чоғида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг бош директори Арслон Рўзметов қувончини яширолмай бундай деди:

— Ушбу самолёт Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий фахридир. Биз ҳам ушбу самолётдан бир нечтасини сотиб олиш ниятидамиз.

МДҲ давлатлари, Ҳиндистон, Вьетнам ва бошқа мамлакатлар ҳам янги самолётнинг харидорлари бўлишмоқчи. Россиянинг «Аэрофлот»и ҳам унга ишқибоз.

Янги самолёт синови бугун мамлакатимизда нишонланадиган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилган кун арафасида бўлиб ўтди. Маълумки, юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг 1992 йилнинг 28 январь куни юртбошимиз Ислом Каримов Фармонига биноан миллий авиакомпания ташкил этилган эди. Бугун биз Ўзбекистон авиасозларини ва барча учувчиларни қўш байрам билан қутлар эканмиз, парвозинг баланд бўлсин Ўзбекистоннинг янги «само лочини», дегимиз келади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Абдулла ПЎЛАТОВ

Суратда: **янги самолёт парвозда.**

Дунёнинг ишлари

Югославия

НАТОнинг ҳарбий қўмитаси раҳбари Науман Косовода кўзда тутилиши мумкин бўлган ҳарбий операцияларни ўтказиш режалари тайёр эканлигини айтди. Науман таъкидладики, вилоятдаги ҳарбий ҳаракатлар тезда тўхтатилиши, сербиялик хавфсизлик кучлари минтақадан ўзаро келишувга биноан чиқиб кетишлари шарт.

Япония

Японияннинг автомобиль бозорида кейинги 30 йил ичида биринчи бор пешқадам ўзгарди. «Сузуки» корпорацияси «Wagon R» русумидаги автомобилларни 1998 йилда сотиш бўйича «Тойота» корпорациясининг «Corolla» русумидаги автомобилларни сотишдан кўра ўзиб кетди.

Россия

Москвада меҳмон бўлиб турган АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Россия Президенти Борис Ельцин билан телефон орқали суҳбатлашди. Суҳбат давомида Россия, Америка муносабатлари масаласи шунингдек, халқаро муаммолар муҳокама қилинди. Россия билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ўзаро тенглик, ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини кўзда тутиб ўрнатиш масалалари суҳбатдан асосий ўринни эгаллади.

Журналист текшируви

«Айбимни ҳеч ким тополмайди...

прокурор тугул, мухбиринг ҳам»

Мўътабар Ҳадиси Шарифда оилада баркамол фарзанд тарбияси энг аввало онадан эканлиги айтилади. Демак, онанинг ўқимишли ва фаросатли бўлиши фарзандлар келажагидан далолатдир. Чунки, она отага нисбатан доимо фарзандлар билан бирга бўлади.

Назаримизда бугун жамиятимизга ана шу «она»лик вазифасини республика «Матбуот тарқатиш» уюшмасининг вилоят ва туманлардаги бўлим ва бўлинмалари амалга оширишi керакдек. Чунки улар зиммасидаги вазифа халқимиз дилидаги гапларни акс эттираётган бугунги матбуот нашрларини тарқатиш, қолаверса уларнинг онгини юксалтириш, дунёқарашини кенгайштиришдан иборат.

Янги йил арафасида Сирдарё вилоятида хизмат сафарида бўлган эдик. Соат ўн бирлардан ошганда Гулистон шаҳридаги 1-сонли газета-журнал дўконидан 29 декабрь тонгда чоп этилган газеталардан сўрадик.

— Кейинги кезларда, негадир бизга газета берилмаётир — дейди сотувчи Абдужаббор Хўжабоев у-бу нарсаларни тахлаш билан овора бўлиб. — Сотувдаги мана шу 15 декабрдаги «Халқ сўзи», 22 декабрдаги «Ўзбекистон овози» сингари газеталар «энг янги»ларимиз. Яна биздан режа талаб қилишади.

— Нега бундай бўлаётир, ахир ушбу газета дўконида ҳар қандай ҳолатда ҳам янги газеталар туриши керак-ку. Эскирган газетанинг кимга кераги бор. Бундай аҳволда газеталардаги асосий материаллар тезкорлигини, ҳозиржавоблигини йўқотади-ку, — деб савол ташладик.

— Канцтоварлардан қарзинг бор деб бошлиғимиз ҳеч кўнмайди. Фақат, корхонани хусусий қилиб олганман, нима қилсам ўзим биламан, дея газеталар билан бирга турли хил ўтмас матохларни тиқиштириб, режа талаб қилади.

Шунга қарамай, декабрь ойида 13659 сўмлик газета олиб, сотилган канцтоварлар ҳисобига 17 минг 200 сўм пул топширдик. Бу пулларнинг ҳам асосий қисми «Даракчи»ни сотишдан тушаётир.

— «Даракчи»дан қанча оласиз?

— Ҳар хил миқдорда, — дейди у. — «Матбуот тарқатиш» идораси ҳар ойда 15 мингтача «Даракчи» олади деб эшитганман...

— Бу ҳақда ҳужжатлар борми?

— Ҳеч қандай ҳужжатларсиз оламиз, шунга яраша пулини 55 сўмдан олиб бориб топширамиз. Тўғрисини айтсам, аслида мендан талаб қилаётган «қарзи» ҳам «Даракчи»дан. Дўконга келаётган газеталар ва канцтоварларнинг ҳужжатсиз бўлганлиги туфайли вилоят матбуот тарқатиш идораси иш жараёнида турли хил келишмовчиликлар рўй бермоқда.

Шундан сўнг Сирдарё вилоят «Матбуот тарқатиш» идорасида бўлишга тўғри келди. Айни кезда масъулияти чекланган жамият деб аталувчи ушбу идорага Рашида Дадабоева раҳбарлик қилаётган экан.

— Вилоят бўйича 45 та дўконимиз бор. Шундан 40 таси ишлайди, — дейди у суҳбат аввалида. — Газеталарни асосан Янгиер, Сирдарё, Ширин, Гулистон шаҳарларида сотяпмиз. Барча дўконларда кундалик нашрларни тарқатиш қийин кечаётган бўлсада, барибир, ўз машинамда бўлса ҳам етказиб бериб, эплаяпмиз. Тўғрисини айтиш керак, — дейди у бизга — барибир барча катта газеталар саёз, фикрсиз чиқмоқда. Мана масалан сизларнинг газеталарингизда нима учун ҳафталик кўрсатувлар дастурини биринчи саҳифадан беролмайсизлар. Ана шу гапларимни албатта раҳбарларингизга етказиб қўйинглар, — дейди у буйруқ оҳангида. — Биз республика газеталарини сотишдан зарар кўраяпмиз. Шунга қарамай, барча дўкончиларнинг ойлигини ўз вақтида бериб бораяпмиз. Устига устак, ижара, электр энергия пулларини улардан олмаймиз. Корхонамиз 1999 йилги обунани вилоят бўйича «Ўзбекистон овози»га 13 та, «Голос Узбекистана»ни 9 тага етказдик.

— Шунингдек, ойига 400 та (ҳар бир сонидан 30 тадан ошиқ) «Ўзбекистон овози» оламиз. Бошқа нашрлар ҳам шунга ўхшаш, — дея яна гапини давом эттира бошлади Р. Дадабоева.

— Эрта баҳордан барча дўкончиларимизни чопиқ-ўтоққа, ёз келиши билан чеканкага, кузда эса пахта теримига вилоят ҳокимлиги томонидан мажбурлаб жўнатишади. Натижада корхонамиз бундан катта моддий зарар кўрмоқда...

Саволларимизга тўлиқ жавоб ололмагач, корхонага қарашли дўконларни яна кўздан кечиришга тўғри келди. Ўзини 2-газета-журнал дўкони сотувчиси деб таништирган Татьяна Каркутовани суҳбатга тортдик:

— Ойига 300 сўмдан ижара пулини, бундан ташқари электр энергиясига ва қоровулга ўзимиз ёнимиздан тўлаймиз, — дейди у. — Устига устак анчадан буён маошларимизни ҳам ололмадик. Фақат матбуот нашрларини ва канцтоварларни сотиб топширган пулимиз ҳисобига ҳар ойда 2000 сўмдан олиб турибмиз.

— Газета ва журналларни ким келтириб беради? — деб сўраймиз.

— Ўзимиз олиб келамиз, — дедию, у ҳушёр тортди.

Ҳақиқий «ўйин» биз Тошкентга қайтгандан сўнг бошланибди. Бошлиқ Рашида Дадабоева Абдужаббор Хўжабоевни иккинчи гуруҳ ногирони экан, ҳузурига чорлаб «мухбирларни уюштириб олиб келгансиз?» дея роса қойибди. Ишдан бўшашга мажбурлабди. Билиб қўйинг, дебди унга жиддий, менинг айбимни прокурор тугул, мухбиринг ҳам тополмайди, деганча жаҳлари ҳакалак отибди. Ана холос, бутун бир вилоятни маърифатли «қиламан» деб юрган опахоннинг гапи!

Хуллас, бугун иложи борича, одамларга маърифат улашиб ишлаётган Абдужаббор Хўжабоевга кун йўқ эмиш. Сабаби — кутилмаганда мухбирларга йўлиққани ва уларга ҳақиқатни рўй-рост айтиб ташлагани...

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Россия

Марказий клиник касалхонада ошқозон ярасини даволатаётган Борис Ельцин келгуси ҳафтада ҳам шу ерда бўлади. Бироқ, у қатор учрашувлар ва телефон суҳбатларини амалга оширади. Кремлдаги манбаларнинг хабарларига кўра, Президентнинг соғлиғи яхшиланмоқда. Лекин Ельциннинг кеча Москвага келган АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан учрашуви бўлиш-бўлмаслиги ҳақида ҳозирча ҳеч қандай хабар йўқ. Президентнинг матбуот котиби Якушкиннинг хабарига кўра, Ельциннинг федерал мажлисга анъанавий мурожаати февралнинг иккинчи ярмида ёки март ойининг бошларида амалга ошади. Мадлен Олбрайт эса Москвада икки кун меҳмон бўлади. У бош вазир Евгений Примаков, ташқи ишлар вазири Игорь Иванов, Дума спикери Селезнёв, мудофаа вазири Сергеев ва бошқа расмий кишилар билан музокаралар юритади.

Исроил

Куни кеча истеъфога чиқариб юборилган Исроил мудофаа вазири Ицхак Мордехай Ликуд партиясидан чиқиб май ойида бўладиган парламент сайловларида курашиш учун янги марказ партиясини тузиши мумкинлигини шаъма қилди. Мордехайнинг айтишига кўра, ҳозирча номаълум партиянинг раҳбарлари собиқ армия генерали Амнон Липкн-Шахак ва Ликуд партиясининг яна бир раҳбари Рони Милодир. Ҳозирча Мордехайнинг янги партиядан бош вазирлик лавозимига номзод қилиб кўрсатилиши номаълум бўлиб турибди.

Чехия

Бу ерда фигурали учиш бўйича Европа чемпионати бошланди. Тадбирда минтақа давлатларидан ташриф буюрган 300 га яқин спортчи иштирок этмоқда. Иштирокчилар жуфт ва якка ҳолда учиш ҳамда муз устида спорт рақси мусобақаларида ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.

Афғонистон

Толибонларга мухолифатчиларнинг янги ҳарбий ғалабалари ҳақида хабар қилинди. Аҳмад Шоҳ Масъуднинг вакили аксил толибон ҳаракат аскарлари Афғонистоннинг шимолий-ғарбида душманнинг 400 дан зиёд аскарини асирликка туширишди. 30 киши ҳалок бўлди. Кўплаб от ва жанговар қурол-яроғлар тортиб олинди. Ҳозирча ушбу хабарни мустақил манбалар тасдиқлагани йўқ.

***

«Толибон» ҳаракати раҳбарияти Афғонистонда яшириниб ётган Усама ибн Лодинни АҚШга топшириш бўйича ушбу мамлакат вакиллари билан бирор бир алоқа ўрнатиш имкониятини яна бир бор тўла рад этди. Толиблар вакилининг сўзига қараганда, АҚШнинг ибн Лодинни террорчилик фаолиятида айблаши асоссиз. Шу боис уни америкаликларга топшириш борасида музокаралар олиб бориш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Кўпгина мамлакатлар ибн Лодинни ўзларига топширишни сўраётганига қарамай, Афғонистон унга бошпана бўлиб қолаверади, деди толиблар вакили.

АВВАЛО, ИНСОН БЎЛИНГ...

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Белоруссия ва Россия иттифоқи тарафдорлари «славян» бўлишни биринчи ўринга қўймаяптиларми?

Оммавий ахборот воситалари ўтган ҳафтада Минскда бўлиб ўтган Белоруссия — Россия иттифоқи Парламент мажлисининг навбатдан ташқари сессиясини янги куч тўплаётган славянлар бирлашмаси томонидан муайян стратегик ниятларини кўз-кўз қилиш мақсадида амалга оширилган тадбир, деб баҳолади.

Шарҳловчиларнинг фикрича, сессияда Югославияни «иккилик» иттифоқига доимий кузатувчи сифатида қабул қилиш тўғрисидаги қарордан бошқа бирор бир аниқ масала кўриб чиқилмаганлиги ҳам аслида ана шундан далолат беради.

Сессиядаги чиқишида Белоруссия Президенти икки давлат иттифоқининг интеграциявий негизида «славянлар тамаддунининг янгича жипслиги»ни кўраётганини яшириб ўтирмади. Қудратли славянча иттифоқнинг барпо этилиши Россия ва Белоруссия учун нафақат иқтисодий нуқтаи-назардан муҳим, балки тарқоқлик тамойилларига чек қўйишнинг ишончли имкониятлари юзага келиши жиҳатидан ҳам баб-баравар фойдалидир, деди А. Лукашенко.

Белоруссия Президенти бош ташаббускори бўлиб қолаётган «иккилик» негизидаги славянларни бирлаштириш ғояси тарихига келсак, бу ҳақда Парижда чоп этиладиган «Русская мысль» ҳафтаномасида диққатга лойиқ анчагина маълумотлар учрайди. Ҳафтаномада қайд этилишича, собиқ шўролар замонида славянлар мавжудлиги тўғрисида кўпроқ энг оғир ва қалтис лаҳзалардагина ёдга олинган экан.

Масалан, Германия билан уруш йилларида Сталин қўққисдан мамлакат аҳолисининг кўпчилиги нафақат оддий совет кишиларидан иборат, балки славянлар — руслар, украинлар, белоруслардан ҳам ташкил топган эканлигини эслаб қолади. СССРнинг яқин қўшнилари — Польша, Чехословакия кабилар славян мамлакатлари. Қоларверса, Болқонда ҳам русларнинг Шипкадаги жасоратини хотирасида сақлаб юрган славян биродарлар талайгина. Ана шунда рус халқига уларнинг Суворов ва Кутузов сингари шавкатли қўмондонлари борлигини эслатиб қўйиш, бунинг учун, ўз навбатида, улар номига орденлар таъсис этиш лозим топилади. Бу қирғинбарот уруш чоғида Москвада чоп этиб турилган «Славяне» журнали эса русларнинг поляклар, чехлар ва бошқа этник қариндош халқлар билан ғоявий жипслашувини таъминлаш учун мўлжалланган эди. Уруш тугагач, Сталин Шарқий Европани шундай «ташкиллаштириб» юбордики, натижада славянча биродарликни айрича эъзозлаш зарурияти-га ҳеч қандай ҳожат қолмади. Табиийки, уруш ниҳоясига етиши билан «Славяне» журналига ҳам барҳам берилди.

Шўролар иттифоқи паторат топгандан сўнг мазкур ҳудуднинг айрим жойларида «славянлик ғояси»нинг «қайта тирилганлиги»ни хорижлик шарҳловчилар бевосита коммунистик мафкуранинг емирилиши билан боғлайдилар. Яъни, уларнинг таъкидлашича, эски тизим қулагач, унинг тарафдорлари ўз собиқ мафкураларини империяпарастликка асосланган янги ғоя — «славянларнинг бирлашуви»га алмаштириб олдилар. Орадан ўтган етти йил ичида Белорруссияда ва қисман Россияда ҳам славянпарастлик ғояси сусаймай, аксинча, тобора кучлироқ кўтар-кўтар қилинаётганлиги ҳам бу ғоя замирида муайян кучларнинг яширин манфаатлари ётганлигидан далолатдир.

Бугунги кунга келиб, «славянлик ғояси» тарих, маданият, миллий алоқалар қўламидан чиқиб, қайтадан катта сиёсат майдонига кўчгани кузатилмоқда. Ёмон томони шундаки, славянлик бундан 50, 100, 120 йил илгари бўлгани сингари яна сиёсат «ўйинчилари»нинг қўлида иш қуролига айланаётир.

Хусусан, Минск сўнгги пайтларда «славянлик душманлари»га қарши кураш йўлида, хориж матбуоти ёзганидек, барча кучларни бирлаштирувчи «жанговар славянлар пойтахти» мақомининг даъвогари сифатида кўзга ташланаяпти. Александр Лукашенко эса фаолиятининг дастлабки дамларидан бошлаб ўзини славянликнинг нафақат ашаддий тарафдори, балки бу ғоянинг жанговар курашчиси сифатида тақдим этди. Минск ҳамда Москвадаги «ватанпарвар»лардан иборат сиёсий кучлар учун, табиийки, худди шундай бир «шоввоз» керак эди ва улар Белоруссия Президентини «жаҳон славянчилигининг етакчиси» деб арзита бошладилар.

Ўз навбатида, бу борада Россия Президенти тутган йўлни «Русская мысль» ҳафтаномаси қизиқарли таҳлил қилган. Газетанинг назарий хулосаларига кўра, Борис Ельцин ҳам ўз юрти тарихида ва халқининг хотирасида «славян халқларининг бошини қовуштирувчиси» деган довруқли ном қозониб қолиш умидида Лукашенконинг «бирлашиш» билан боғлиқ барча таклифларини астойдил қўллаб-қувватлаган бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, хорижий ҳафтанома муаллифлари фикрича, бугунги кунда ўзига ворис «тайинлаш» имконидан маҳрум бўлган Ельцин худди шу ўринга Лукашенкони тиқиштиришга уриниб кўришга қодирдир. Шу билан бир қаторда, Ельцин юқори доиралардаги «муштketди» ўйинларида ўзининг сўнгги пайтларда қўлдан чиқарилган олий қозилик мақомини қайта тиклаш ва уни муддатидан олдин президентлик лавозимидан истеъфога чиқариш ҳақида билдирилаётган талабларга муносиб равишда жавоб қайтариш мақсадида, хусусан, россиялик сиёсатчиларни бирров сескантириб қўйиш учун Белоруссиянинг «бўжи»сидан бир пақир муздек сув ўрнида фойдаланган бўлса ҳам ажаб эмас, деб ёзади «Русская мысль».

Шу ўринда, мустақил давлатчилик йўлидан ишонч билан одимлаётган Украина Республикаси славянпарастлик касалини имкон даражасида четлаб келаётганлигига алоҳида эътибор қаратиш жоиздек кўринади.

Машҳур америкалик сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг «Независимая газета» мухбирига берган интервьюсида бу борада диққатга молик хулосаларни учратиш мумкин. Олимнинг қайд этишича, украиналиклар ўз мамлакатларидаги муайян ижтимоий норозиликларга қарамасдан, Украина — Москвадан эмас, балки Киевдан бошқарилиши маъқул эканлигини тобора кўпроқ тушуниб етмоқдалар.

Сиёсатшунос олимнинг таъкидлашича қараганда, Украинага нисбатан белорусча «бирлашиш» услубини қўллаш мутлақо мумкин эмас. Негаки, аввало, «Украинада Лукашенко каби фигуранинг ўзи йўқ. Украиналиклар нарса-ҳодисаларга соғлом нигоҳ билан қарайдиган тиниқ фикрли кишилар бўлиб, бошқача айтганда, Минскдагилар сингари ғалати болакайлар эмас», дейди Збигнев Бжезинский.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, белоруссиялик ва россиялик «славян ватанпарварлари» жорий йилда 200 йиллиги нишонланаётган машҳур рус шоири Пушкинга замондош таниқли тарихчи Николай Карамзиннинг «Энг муҳими — инсон бўлинг, славян эмас», деган сўзлари мағзини чақиб кўрсалар зиён қилмасди.

Ғулом МИРЗО

Африка

Маълумки, Ғарбий Африка тинчликни сақлаш кучлари ёрдами билан Фритаунинг асосий қисми «Бирлашган инқилобий фронт» жангариларидан озод қилинган эди. Бироқ, сўнгги кунларда бу ерда яна вазият кескинлашди. Қўзғолончиларнинг қуролли гуруҳлари шаҳарга анча яқинлашиб қолди.

Хабарларга қараганда, тинчликни сақлаш қўмондонлиги қўзғолончиларнинг янги хуружларига қарши мамлакат пойтахтига қўшимча ҳарбий кучлар киритишини маълум қилган.

Буюк Британия

«Ми-6» разведка хизмати ходимлари БМТнинг Ироқ оммавий қирғин қуролларини йўқотиш бўйича махсус комиссияси ҳарбий инспекторлари ниқоби остида иш олиб борган. Улар Ироқнинг ҳарбий салоҳиятига оид маълумотларни АҚШ ва Буюк Британиядаги тегишли жойларга етказиб турган. «Индепендент» газетаси баъзи расмий манбаларга таяниб, шу ҳақда хабар тарқатди. Унда айтилишича, «Ми-6» айғоқчилари 1991 йилдан эътиборан БМТ махсус комиссияси таркибида иш олиб борган.

Эрон

«Хордад» газетаси таҳририяти жойлашган бино яқинида кучли портлаш содир бўлди. Натижада икки киши тан жароҳати олди.

Хабарларга қараганда, портлаш содир бўлгандан сўнг «Хордад» таҳририятига номаълум киши қўнғироқ қилиб, қўпорувчилик ҳаракатлари бундан кейин ҳам такрорланишини маълум қилган. Ҳозирча ҳеч қайси жиноий гуруҳ портлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олгани йўқ.

Форс тилида чиқадиган «Хордад» газетаси ўтган йилнинг декабрь ойидан буён чоп этилади.

Германия

Германия канцлери Герхард Шредер Британия ва Франция компанияларига Боннинг ядровий ёқилғилар чиқиндиларини хорижда қайта ишлаш учун жўнатишдан воз кечганлиги муносабати билан товон тўлансин, деган таклифларига қўшилмаслигини маълум қилди. Канцлернинг телевидение орқали чиқишида ушбу қарорни қабул қилиш Германиянинг ички иши, бироқ, етти миллиард доллар товон тўланиши керак деган талаблар ҳеч қандай қонуний асосга эга эмас, деди канцлер.

***

Ушбу давлат жорий йилнинг олти ойида Европа Иттифоқининг раиси вазифасини бажаради. Шу сабабли мазкур вақт давомида мамлакатда ЕИнинг учта саммити бўлиб ўтади.

Олий даражадаги учрашувнинг дастлабкисини 26 февралда ўтказиш режалаштирилган. Унда ЕИга аъзо 15 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этади. Иккинчи учрашув эса 24-25 март кунлари Берлинда ўтказилади. Бу учрашувларда ЕИда ислоҳотлар ўтказиш тартиби, ташкилотнинг 2000 йилги кун тартиби дастури масалалари муҳокама қилинади. Ниҳоят, учинчи саммит 3-4 июнда Кёлнда ўтказилади.



Франкфурт осмонўпарлари

Ҳазилдан ташқари

Шохли одамлар

Ҳозир, назаримда, бундай шов-шувлар кўпчиликни ҳайратга солавермайди. Лекин эшитган қулоққа бироз ғалати: шохли одам. Тўғри-да, ахир гап «Зулқарнайннинг шохи бор» ҳикояти ҳақида эмас. Исроилнинг жанубий қисмидаги қадимий қишлоқлардан бирида олимлар ҳайратомуз топилдиққа — шохли одам жасадининг қолдиқларига дуч келишди.

Шохнинг кўриниши ҳўкизникига жуда ўхшаб кетарди. Топилдиқ катта шов-шувларга сабаб бўлди. «Қадимги одамнинг шохи ҳақиқийми? Ёки диний ёҳуд бошқа бирор маросимда тақилган ниқобми? Ёки мурдани кўмишаётганда қўшиб кўмишганми?»

Хуллас, шу сингари баҳс-мунозаралар бошланиб кетди. «Балки, ўзга сайёралик мавжудотдир?» дегувчилар ҳам талайгина.

Олимлар ҳозирча бундай саволларнинг бирортасига аниқ жавоб айтишмаяпти. Миш-мишга ўхшаб кетса-да, бу воқеа барибир кишини ўйлантиради. Ўтмиш, одамзот тарихи ҳали очилмаган минг бир тафсилотлар қаърига беркиниб ётгандай.



Кактусзор

Алвидо, ЭДВЕРД!

Хоҳ ишонинг, хоҳ ...

1952 йилнинг салқин кечаларидан бири, соат учлар чамаси. Эстония республикасининг бир ғўшасида ака-ука Эдверг ва Эрик ерни шудгорлашаётганда тракторларни тўхтатишга мажбур бўлишди, чунки ногоҳ шундоқ трактор олдида учар ликопча ичи ёп-ёруғ бир уй намоён бўлди. Акаукалар секин бориб уйни, бинони томоша қилдилар, ойналардан қарадилар, лекин ҳеч ким кўринмади, шу пайт бино қимирлагандай бўлди. Эрик қочиб кетди. Эдвергнинг елкасидан нимадир босганга ўхшайди. У юмшоқ бўлсада, оғирлиги сезилди. Қандайдир кучлар Эдвергни кўтариб, бино рўпарасига қўйдилар ва ичкарига ундадилар. Эдверг қоронғида буларнинг ким эканлигини англолмади. У бош томони билан энгашиб, ичкарига кирди ва қўрқиб кетди. Шу пайт одамзод юзли, сочи йўқ, кўзи битта, оғзи-бурни катта, икки яланғоч киши Эдверг ёнига келиб, кийимларингни еч, деб буюрдилар. Эдверг кийимларини ечдию, совуқдан сесканди, ҳалиги кишилар қандайдир суюқликни Эдвергнинг баданига суртиб чиқишди, иккала қўлидан чамаси юз гарммча қон олишди ва бошқа хонага кириб кетишди. Эдверг энди қонимни бутунлай сўриб олиб ўлдиришади, деб ўйлаган эди, лекин ундай бўлмади. Эдверг хонада ёлғиз қолганда бу жойдан бирор эсталик олишни, соғ-саломат чиқса, бўлган воқеани айтиб, далил сифатида кўрсатишни ният қилди, қўлини чўзиб бир нарса олмоқчи бўлганда резинкага ўхшаган нарса қўлига урди. Ҳалиги икки киши яна чиқиб келиб, унга жўнаб қолишни буюрдилар. Эдверг қўрқа-қўрқа ўзи кирган эшикдан бир амаллаб чиқди. Ерга оёғини қўйиб икки қадам босди ва орқага қаради — ҳалиги бино ғойиб бўлганди. Эрик эса ҳаллослаб уйига келиб, ҳеч кимга ҳеч нарса демай ухлаб қолганди. Эдверг эса уйига етиб келиб, онасига бўлган воқеани айтиб берди. Онаси: «Ўғлим, сенга шундай туюлган шекилли, чарчабсан», — деб сим каравотга тўшак солиб берди. Эдверг аста бориб тўшакка чўзилди. Онаси эрталаб туриб, Эдверг — ётган ҳолатда тешилган каравот остида ерга кириб кетаётганини кўриб, қўрқиб кетди ва зорланиб Эрикни, Эрик эса зумда врачни чақирди. Ҳеч ким ҳеч нарса тушунмади: олимлар ва билимдонлар келиб, уч соат Эдвергни ўрганишди. У энди гапира олмас, танасидан тутун чиқар, ичида сув қайнаётгандай эди. Эдверг бор-йўғи олти соат яшади. Олимлар хулосасига кўра, унинг баданига суритилган суюқлик лазер суюқлиги бўлиб, суякни қизитиб, қонини юз маротабага суюлтириб, танани кўрғошиндай оғир қилар экан. Суюқлик бош мия ва юрак ишини секин-секин издан чиқариб, кейинчалик умуман тўхтатиб қўяр экан. Бундай ҳодисалар тафсилотини бир бор ўқидингиз, бошқа эшитманг. Алвидо, Эдверг!

Наргиза НОРМАХМАТОВА тайёрлади.

Фаластин

Фаластин раҳбари Арафот яқин вақтларда Европа ва АҚШга сафар қилмоқчи. Унинг нияти эришилган келишувларни бажаришда Исроилга таъсир кўрсатишни таъминлаш. Арафотнинг маслаҳатчилари 4 февраль куни унинг АҚШ Президенти Клинтон билан Вашингтонда учрашиши мумкинлигини айтишди. Исроил Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидан ўз қўшинларини олиб чиқишни тўхтатиб қўйган эди.

Япония

Японияда Рихтер шкаласи бўйича олти балли ер силкинишлари бўлиб ўтди. Зилзила маркази Токиодан минг километр жануби-шарқда жойлашган бўлиб, денгиздаги Танегашима ороллари яқиндир. Қурбонлар ва вайронгарчиликлар ҳақида ҳеч қандай хабар йўқ.

Иордания

Иордания қироли Ҳусайн ўзининг катта ўғли Абдуллани тахт вориси этиб тайинлаш ҳақидаги фармонга имзо чекди. 36 ёшли шаҳзода айни пайтда қироллнинг хавфсизлигини таъминлаш бўлинмасини бошқариб келмоқда. Ушбу фармонга биноан қироллнинг укаси шаҳзода Ҳасан ворислик ҳуқуқидан маҳрум бўлди. У 1965 йилда расмий равишда тахт вориси этиб тайинланган эди. Шарҳловчилар бу фармонни гўёки қирол Ҳусайн ярим йил давомида саратон касалидан даволаниш мақсадида Америкага кетган пайтида шаҳзода Ҳасаннинг мамлакатни бошқаруви-дан норози бўлганлиги билан боғламоқдалар.

Швейцария

Халқаро олимпиада қўмитасининг олти аъзоси коррупция ва порахўрлик билан боғлиқ жанжалларга аралашиб қолганлиги учун ўз вазифасидан озод этилади. Бу воқеа Американинг Солт Лейк Сити шаҳрида 2002 йилда ўтказиладиган қишки олимпиада ўйинларини ташкил этиш жараёнида юз берди. Бу ҳақда халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч баёнот берди. Халқаро олимпиада қўмитасидаги матбуот анжуманида иштирок этган репортёрларга айтилишича, ХОҚ аъзоларига порахўрликда айбланганлари учун эмас, балки қўмита қоидаларини бузганлиги ва олимпиада ҳаракатига жиддий путур етказганликлари учун жазо берилди. ХОҚ айни пайтда қўмитанинг яна уч аъзоси фаолиятини текширмоқда. Самаранчнинг хабарига кўра, олимпиада ўйинлари ўтказиладиган шаҳарларни танлаш жараёнига катта ўзгартиришлар киритилди. Бироқ, Солт Лейк Ситидаги қишки олимпиада ва 2002 йилда Сиднейда ўтадиган ёзги олимпиада ўйинлари режалаштирилганидек амалга оширилади. ХОҚ раҳбари олимпиада ғояларига путур етказилганлиги учун кечирим сўради.

Шахс ва дунё

Ўзгараётган тафаккур

XXI аср арафасида турган бутун инсоният ўз атрофида рўй бераётган тинимсиз ижтимоий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибди. Ҳабиий-илмий ва ижтимоий фанлар ўртасидаги алоқадорликларнинг янгидан-янги йўналишлари очилмоқда. Табиатшунослик ва техник соҳаларининг ижтимоий ва гуманитар фанлар хулосаларига бўлган эҳтиёжи тобора ошиб бормоқда. Барча билимлар тизимида инсон ҳақидаги таълимотлар марказий ўрин эгалламоқда. Шу жиҳатдан инсон ва унинг дунёқараши масаласи фанда ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Ҳар бир инсон, воқеликка қарашли муайян тартибдаги мантиққа риоя этган ҳолда, ўзи одатланган илмий қадриятлар системасига, қонун ва тамойилларга таяниб иш юритади. Булар вақт ўтиши билан, ижтимоий воқелик ўзгариши билан ўзгариб боради. Америкалик олим Томас Кун бундай ўзгаришларни парадигмаларнинг ўзгариши деб таърифлайди. Унинг фикрича, парадигмалар бу олимлар жамоасининг муайян психологик ва социал шарт-шароитлар таъсирида одатланиб қолган тафаккур тарзи бўлиб, у воқеликда рўй бераётган ўзгаришларни пайқаб олишга халақит беради.

Дунёқараш ҳисоб тизимининг маънавий ўлчови фаний, диний, мифологик ва бошқа кўринишларда намоён бўлади ҳамда улар бирбиридан оламга маънавий қадриятларнинг қандай турларига асосланиб қараши билан фарқ қилади. Бундай ҳисоб тизимларини бирлаштирувчи умумий дунёқараш маркази ҳам бўлиши мумкин. Масалан, танқидий реализм оқимининг намоёндаси П. Фейерабенд, структурализм фалсафаси асосчиси К. Л. Стросс ва бошқалар фалсафада фан ва дин, фан ва мифология, фан ва санъат ўртасидаги умумий дунёқараш марказларини яратишга уринишмоқда. Бундай вазиятда мантиқий асосни ҳам ўзгартиришга тўғри келади. Формал мантиқ талаблари ҳар қандай вазиятга ҳам бирдай мос келавермайди. Шунингдек, физик табиатдаги мантиқ, биологик ёки социологик мантиқ талабларини қондира олмаслиги мумкин. Турли хил маънавий ҳодисаларни бир-бирига боғлай оладиган мантиқий тузилмани ишлаб чиқиш ҳам ҳозирги замон фалсафасининг долзарб вазифалари жумласига киради.

Дунёқараш ҳисоб тузимининг минтақавий ўлчови ҳам бўлиб, у оламга шу минтақага хос фикрлаш тарзи билан қарашга боғлиқдир. Бир пайтлар фанда асосан европацентризм дунёқараши ҳукмрон бўлиб келган эди. Бундай ҳисоб тизимли дунёқараш шарқий мамлакатларга хос фан ва маданиятнинг моҳиятини англашга халақит беради. Бундай тушунмовчиликни экзистенциализм оқими намоёндаларидан бири А.де Сент-Экзюпери ўзининг машҳур «Кичкина шаҳзода» асарида юлдузни кашф этган турк астрономи мисолида яхши тасвирлаган. (Бу асарда турк олими туркча кийиниб маъруза ўқиганида унга ҳам ҳеч ким эътибор бермаган, кейинги сафар у европача модада кийиниб маъруза қилганида ҳамма олқишлайди). Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида Шарқни англаш учун интилиш кайфияти яққол сезилмоқда. Чунки, шарқий мамлакатларда яшовчи халқларга хос маънавий қадриятлар, шарқона донолик, инсонпарварлик, фан ва маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари эндиликда бутун инсониятни ўзига жалб қилмоқда. Буларни англаш учун эса, шарқона мантиқни эгаллаш, шарқона дунёқараш марказидан туриб фикрлаш керак бўлади.

Бугунги кунда бутун жаҳон миқёсида турлича дунёқарашларнинг бир-бирини қамраб олишига, бир-бирини англашига йўл очилмоқда. Бу йўлдаги муҳим тамойил дунёқарашда тоқатлилик, яъни толерантлик тамойилидир. Бу тамойил фан билан диннинг, Шарқ билан Ғарбнинг, Шимол билан Жанубнинг, табиий фанлар билан ижтимоий фанларнинг, техника фанлари билан гуманитар фанларнинг бир-бирини тўлдиришига, глобал дунёқарашнинг шаклланишига имконият яратади. Юқорида саналган илм соҳаларини бир-бири билан айнанлаштириш, бирининг ўрнига иккинчисини қўйиш ноўриндир, чунки фаннинг тадқиқот объекти диннинг эътиқод объектидан тубдан фарқ қилади, уларнинг ҳар бири ўзига хос мантиқ воситасида воқеликка ёндашади. Фан учун илмий асосланган далилларнинг аҳамияти биринчи бўлса, дин учун эса илоҳий моҳиятга бўлган эътиқоднинг аҳамияти устундир. Фан билан шуғулланувчи олимнинг диндорга нима учун тоат-ибодат қиласан деган даъвоси қанчалик ўринсиз бўлса, тақводор диндорнинг нега сен жониворлар устида текширув ўтказасан деган даъвоси ҳам шу қадар мантиқсиздир. Улар бундай шароитда бир-бирларига нисбатан сабр-тоқатли бўлишлари ва бир-бирларининг касбига оид хатти-ҳаракатларига аралашмасликлари лозим, агар бундай ҳаракатлар албатта одамларнинг қонуний ҳаққуқларига дахл солмаса. Олимнинг хатти-ҳаракати ҳам, диндорларнинг хатти-ҳаракати ҳам инсониятнинг, шахснинг манфаатларига қарши қаратилган бўлса, бундай хатти-ҳаракатлар қонуний йўл билан тақиқлаб қўйилиши лозим. Фан ва диннинг дунёқараш маркази инсонийликдадир, чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсоният жисмига мансубдир.

Дунёқараш маркази турли дунёқараш вакилларининг нуқтаи назарларини туташтириш билан биргаликда, уларнинг бир-бирларининг чегараларига ёриб киришларига ҳам йўл қўймайди. Кўпгина можароли вазиятлар турли соҳа вакилларининг билиб-билмасдан бир-бирларининг ишларига аралашишларидан келиб чиқади. Масалан, диндор физикнинг квант механикасига оид қонуниятларига илоҳиёт мантиғига таяниб «ўзгартириш киритишга» киришиб кетса, ёки космология назарияси билан шуғулланувчи олим илоҳиёт қонунларига «тузатиш киритишга» уринса, бундай хатти-ҳаракатлар уларнинг бир-бирларининг ишларига асоссиз аралашиш деб баҳоланиши, ҳар кимнинг ўз касби билан шуғулланиши рағбатлантирилиши лозим. Дунёқараш марказининг ўзгариши объектга кенгроқ назар ташлаш демакдир. Бу етук дунёқарашнинг ўрнини босиш деган гап эмас. Объектга қанчалик кенгроқ тарзда қарасак, тор дунёқарашдан туриб кузатган билимларимиздаги нуқсонлар шу қадар аниқроқ намоён бўлади. Биз йўл қўйган хатоларимизни яхши илғаб оламиз. Хуллас, дунёқараш марказининг ўзгариши, айни пайтда дунёқараш радиусининг кенгайиши билан биргаликда олиб борилиши лозим. Дунёқараш радиусининг кенгайиши эса воқеликка юксак ракурсдан туриб қараш имконини туғдиради. Шундай қилиб, биз ўзгараётган дунёдаги ўзгараётган дунёқарашнинг ва шу асосда ўзгараётган тафаккурнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бахтиёр ТЎРАЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Омонатга

хиёнат...ми?

Чортоқ тумани омонат кассасининг Пешқўрғон қишлоғидаги шаҳобчаси эшиги олдидаги бир тўда одамларни кўриб, тўй-пўй бўлаяптими, деб ўйлайсиз. Аммо...

— Олдин омонатимизни олволайлик, кейин тўй-маъракa қилаверамиз, — дейди у ердагилардан бири. Уларнинг ҳаммаси омонат кассаси мижозлари экан. Бири қўйиб, бири олиб гапира кетишди.

— Ҳақиқатан пул бўлса, тўй бўлади-да. Омонат кассадан беш-олти йиллаб ўз пулини ололмаганлар бор орамизда. Аҳвол шу бўлгандан кейин бу нуфузли давлат муассасасига одамларнинг ишончи қоладими? Бинони банд қилиб ўтиришлари нимаси? Жилла қурса қишлоқ аҳли бинода ипак қурти, ҳеч бўлмаса товуқ боқса ҳам фойда эди. Шундоқ ҳам қишлоқда одамлар ойлик маошларини вақтида ололмаяптилар. Юртимиз гуллаб-яшнаётган бир вақтда бу нуқсон туман ҳуснига доғ бўлмайдими?

Дарҳақиқат, ҳозир тўй мавсуми. Тўй-тадбир қиларман, унгача кассадаги пулимнинг фоизи кўпайиб турар деб биров бир танга, биров ўн танга қўйсаю, оқибатда шу жамғармаларининг орқасидан ойлаб ووراи сарсон бўлсалар. Бу нима, тани бошқа дард билмас деганларими? Наҳотки, кассага пул қўйганларни тинглайдиган мутасаддилар топилмаса? Бу муаммонинг ечимини кимдир излаяптими ўзи? Балки, банкни хусусийлаштириш керакдир. Балки, фаолияти яхши бирон-бир банк билан ҳамкорлик қилиш зарурдир. Ишқилиб, чархпалак қанча тез айланса чўмичидаги сув шунча равон тўкилади, дейдилар...

Шукур ЖАББОРОВ

Пахтаобод туманининг «Маданият» қишлоғида ташкил этилган «Абдулазиз ота» чорвачилик фермер хўжалиги тумандаги илғор хўжаликлардан бири. Айни кунларда бу ерда 90 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Жорий йилда фермер хўжалигида 6 тонна гўшт, 65 тонна сут, 25 тонна пахта тайёрлаш кўзда тутилган.

Ҳозир «Маданият» қишлоғида фермер хўжалиги кўмаги билан янги гузар қурилиши бошлаб юборилган.

Бу ерда новвойхона, қассобхона, озиқ-овқатлар дўкони, ошхона, сартарошхона бунёд этилади. Шунингдек, соатига 350 килограмм ун чиқарадиган тегирмон, соатига 300 килограмм шоли оқлайдиган обжувоз ишга туширилади.

Суратда: (чапдан) **туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари Солижон Режапов ва фермер Насибжон Абдулазизов билан.**

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

Солиқ тизимида

Гапни гапир уққанга...

Инспекция бошлиғи Бахтиёр Тожиев «Ишонч» телефони орқали тушаётган шикоятларни ҳар куни бирма-бир таҳлил этиб боради. Бу гал яна туманда савдо хизматининг ёмонлигидан нолиб қўнғироқ қилганлар кўпайиб қолибди. Уч-тўртта ёзма шикоятлар ҳам тушибди.

Бошлиқ дарҳол савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини назорат қилувчи бўлим ходимларини йиғди. Тушган шикоятлар билан уларни бирма-бир таништирди-да, сўнг шанба ва якшанба кунлари савдо шаҳобчалари бўйлаб ёппасига рейд ўтказишни таклиф этди. Шу ернинг ўзида ходимлар гуруҳларга бўлинишди, қайси масалаларга кўпроқ эътибор бериш зарурлиги уқтирилди, йўналишлар белгиланди. Эрталабдан ҳеч қандай шовшувсиз текширувлар бошланадиган бўлди.

Бўлим ходимлари савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини олдинги ойларда 355 марта текшириб 2890 ҳолатда қоидабузарликларга йўл қўйганлигини аниқлаган эдилар. Рейд ва текширувлар давомида 278 нафар қоидабузар ходимга нисбатан 360 минг сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилган, 13 та текширув якуни бўйича эса жиноий иш қўзғатилган эди. Шунга қарамай, қонунбузарликларнинг давом этаётганлиги солиқчиларни афсуслантирди. Демак, бу соҳа ҳамиша назорат остида бўлиши керак экан-да.

Солиқчилар икки кун давомида ўнлаб савдо шаҳобчаларини кўздан кечириб чиқдилар. Улар туман улгуржи-чакана савдо бирлашмасига қарашли 37-дўконга кириб келишганида сотувчи Холбой Сиддиқов қўлиқўлига тегмай савдо қилаётган эди. Даста-даста пулларни қоғоз қутига ташлаб гап орасида «следующий» деб қўярди.

Сотувчи навбатдаги харидорга хизмат кўрсатиб бир даста пулни санаб олган пайтида солиқчилар харид қилинган маҳсулотлар билан тўпланган ҳақнинг қанчалик тўғрилигини текшириб кўришга қарор қилдилар. Ҳисоб-китоблар қайта текширилганида сотувчи харидорнинг 144 сўмига хиёнат қилганлиги маълум бўлди.

Холбой илгари ҳам лицензиясиз спиртли ичимликлар сотиб турган пайтида солиқчилар қўлига тушган эди. Ўшанда тавбатазаррулар билан арзимаган жарима тўлаб қутилиб қолган. Ўша жазо унга сабоқ бўлмабди. Энди кўзини бақрайтириб туриб харидор ҳақига хиёнат қилиб турибди.

Дарҳол далолатнома расмийлаштирилиб иш қонуний чора кўриш учун прокуратурага оширилди. Холбой бир йилда икки марта амалдаги қонунчиликни бузганлиги учун унинг устидан жиноий иш қўзғатилди. Суд уни икки йил ахлоқ тузатиш ва ойлик маошининг 30 фоизини давлат ҳисобига ўтказиб бориш жазосига лойиқ кўрди.

Шундай жазо туман «Нон» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти сотувчиси Замира Турсуновага ҳам берилди. Солиқчилар рейд ўтказишган куни нонни у қалбаки фактура билан оширилган нархларда пуллаб турган эди. Замира бундан олдин ҳам бир неча бор солиқчилар танбеҳини олган эди. Шунга қарамай, тўғри ишлаб, тўғри яшашга одатланмади. Мана энди кўз ёшини оқизиб, қилмишига пушаймон қилиб ўтирибди.

Солиқчилар рейд ва текширувлар давомида дорихоналар фаолиятини ҳам эътибордан четда қолдирмадилар. Ўша куни туман марказидаги «Табобат» хусусий дорихонаси провизори Муҳаммадхолиқ Сатторов нархи чекланган 20 хил дори-дармонни ҳам оширилган нархларда пуллаётган пайтида солиқчилар қўлига тушди. У билса ҳазил, билмаса чин қабилида иш тутиб бир мижознинг 135 сўмини уриб қолган эди.

Муҳаммадхолиқ илгари ҳам бир марта солиқчилар қўлига тушиб, жарима билан қутилиб кетган эди. Мана бугун иккинчи марта жиноят устида ушланди. Энди жарима билан қутулиб кетолмайди. Бундай ҳолатда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жиноий иш қўзғатилади.

Шундай ҳам бўлди. Суд уни 3 йил ахлоқ тузатишга ва ойлик маошининг 30 фоизини давлат ҳисобига ўтказиб беришга ҳукм қилди. Юлғич провизорнинг кўзлари энди мошдек очилган бўлса ажаб эмас.

Солиқчилар икки кунлик рейд давомида Вазирлар Маҳкамасининг спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларига акциз маркаларини жорий этиш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлигини алоҳида синчковлик билан текширувдан ўтказдилар. Улар олдинги ойларда ҳам бу йўналишда 101 марта текшириш ўтказиб, салкам 50 ҳолатда қарор ижроси қониқарсиз бажарилаётганлигини аниқлаган эдилар. Ўшанда 40 минг сўмлик спиртли ичимликлар ва 59 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилганди. Қонунбузарликка йўл қўйган 31 нафар мансабдор шахсга нисбатан салкам 40 минг сўм маъмурий жарима қўлланилди. Шундан сўнг акциз маркасиз маҳсулотлар бозорларда кўринмай кетди. Солиқчилар бундан мамнун эдилар. Лекин, рейд куни «Абдуфаттоҳ» хусусий фирмаси сотувчиси Пўлат Рўзибоевнинг 12 шиша акциз маркасиз қалбаки ароқни сотиб ўтирганини кўриб яна кайфиятлари бузилди. Дарҳол далолатнома тузилиб иш судга оширилди. Қалбаки ароқлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Солиқчилар қилма деган ишни қилмаслик керак. Улар сизга ёмонликни раво кўрмайди, тадбиркор ва тижоратчиларни ҳамиша тўғри йўлга бошлаб келмоқдалар. Лекин, бебилиска пулга ўч айрим кимсалар қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилиб ўз обрўларини тўкмоқдалар. Жаримага тортилиб топган-тутганларидан айрилмоқдалар.

Солиқчини алдайман деганларнинг ўзлари алданиши турган гап. Шундай экан, ҳалол ишлаб, ҳалол яшашга одатланган маъқул. Буни Фарғона вилояти Бағдод тумани солиқчилари ҳар бир фуқаро онгига сингдирмоқдалар. Туманнинг 121 минг аҳолиси бор. 30 мингдан ортиқ хўжаликни солиқчилар ўз назоратлари остига олганлар. Участка солиқ инспекторлари штати тайинлангач, омма орасига яна ҳам чуқурроқ кириб бориш имкониятлари яратилди. Ҳозир туманда 11 нафар участка солиқ инспектори фаолият кўрсатаяпти. Улар ўз ҳудудларида солиқ қонунчилигини мустаҳкамлашга, тадбиркор ва тижоратчилар фаолиятини тартибли олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ишни улар қишлоқ фуқаролар йиғини кенгаши ва маҳалла қўмиталари билан яқин ҳамкорликда амалга оширмоқдалар.

Ўтган йили биргина Чуваланчи қишлоғи участка солиқ инспектори Олимжон Холдоров бюджетга салкам 10 миллион сўм ундириб туманда энг юқори кўрсаткичга эришди. Инспектор солиқ қонунчилигини тарғиб этишда қишлоқ радиоузели ва матбуот нашрларидан айниқса самарали фойдаланаяпти. У ҳар бир солиқ тури ва уни тўлаш муддатлари ҳақида радиоузел орқали маълумотлар бериб боради. Уйма-уй юриб тўлов хабарномаларини тарқатади. Мавжуд муаммоларни маҳалла оқсоқоллари йиғилишига қўйиб, солиқ тўлашдан бўйин товловчиларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрмоқда. Бундай чора-тадбирлар солиқлар ва мажбурий тўловларни тўла ундириб олиш имконини бераяпти.

Олимжоннинг тажрибаси ҳозир Боғдод туманидаги барча участка солиқ инспекторлари ўртасида кенг ёйилаяпти. Шу боисдан Матқулобод қишлоғи участка солиқ инспектори Мамасоли Мамаюнусов, Пахтаобод қишлоғи участка солиқ инспектори Баҳром Аминжонов ва уларнинг бошқа ҳамкасблари ҳам солиқлар ва мажбурий тўловларни бюджетга тўла ундириб олишга муваффақ бўлмоқдалар. Пировардида туман бўйича барча кўрсаткичларнинг ойма-ой ортиғи билан адо этилишига эришилаяпти.

Туман солиқчиларининг саъй-ҳаракатлари билан боқимандалар миқдори ҳам камайиб бормоқда. Ўтган йилнинг шу даврида 70 га яқин корхона ва ташкилот бюджет олдида қарздор эди. Йил давомида кўрилган чора-тадбирлар туфайли улардан салкам 43 миллион сўм боқимандалар ундириб олинди. 6 та корхонанинг 10,6 миллион сўмлик мол-мулки хатланиб сотувга қўйилди. Шу тариқа қарздор корхоналар сони тобора камайиб бораяпти. Бюджет бойиган сари туманда ижтимоий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини ошириш имкониятлари яратилаяпти.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг ип йигирувчиси Гулсара Сиддиқова.

Ҳайдарали ҚУРБОНОВ олган сурат.

Муҳтарам юртдошлар!

ОТАЖ «Шифобахш булоқ» (Тошкент маъданли сув қўйиш корхонаси) ўз маҳсулотлари — «Тошкент» ва «Зангиота» маъданли сувлари учун ташкилотларни 28 февралгача 1999 йил учун шартнома тузишга таклиф этади. Маҳсулотимиз экологик энг тоза ва шифобахшлиги билан бошқа ташкилотлар маҳсулотидан тубдан фарқ қилади. Корхонамиз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг. Тўлов — пул ўтказиш йўли билан!

700084. Тошкент шаҳри, Х. Асомов, кўчаси, 1-уй. (Семашко клиникаси ёнида) Тел: 34-57-91, 34-55-79, 55-06-11, 55-09-40.

Адлия вазирлиги қошидаги республика хўжалик ҳисобидаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ва «Адолат» нашриёти ҳамкорлигида

«Ҳуқуқ зиёси»

масъулияти чекланган жамият ташкил этилди.

«Ҳуқуқ зиёси» Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси янги қонунлари ва кодекслари ҳамда бадиий детектив асарларни, шунингдек, иш қоғозлари (бланка)ни барча вилоятларга нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан

сотади

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Тел: 41-46-53.

Ҳуқуқий мулоҳаза

«Машинангиз... ўғирланганми?»

— Машинамиз билан Китоб деҳқон бозорига кириб, мева-чева харид қилаётган эдик, — дейди Тошкентда яшайдиган акамиз. — Орадан ўн беш-йигирма дақиқа ўтгани йўқ эди. Не кўз билан кўрайликки, машинамиз ғилдираклари қапишиб ётибди. Кейин билсак, бу ишни милиция ходими қилган экан. Уни топиб: «Агар бозорга кириш тақиқланган бўлса далолатнома тузишингиз ё ҳайдовчилик гувоҳномамизни олишингиз керак эмасми, машинага нега зарар етказдингиз?» деб сўрадик. «Машинангиз ўғирланганми, деган ўйда эдик», — дейди у. Узр сўрагач, ҳовуримиздан тушдик. Нима қилардик бошқа?..

«Машинангиз ўғирланганми?» ... Очиғи, ДАН ходимларидан бот-бот эшитадиган гапимиз бу. Агар ноҳақ тўхтатганига эътироз билдирсангиз шундай важ келтиришади. Аслида ўғирланган транспорт воситаларини қидириб топиш давлат аҳамиятига молик, ўта хайрли иш. Бутун жаҳонда унинг учун ҳамма воситалар жалб этилади. Республикамизда ҳам бунга эътибор қилиниши, ҳатто Давлат белгиларини қайд этиш ва излаб топишга компьютерлаш дастурини жорий этиш ҳақида Ички ишлар вазирлигининг 1997 йил 14 июнда махсус буйруғи ҳам чиқарилганлиги яхши. Аммо айрим ДАН ходимлари учун бу иборанинг фуқароларни овора қилиш воситасига айланиб қолаётганига афсус қиласан киши.

Ўтган йили, мустақиллик байрами арафасида Самарқанддаги машина бозорида эски «Москвич» машинамизни сотиб, яна-да эски, 10 йил бурун чиққан «Жигули» харид қилдик. Муҳрдорлик идорасида олди-сотти шартномаси расмийлаштирилиб, давлат солиқларини тўлаганимиздан сўнг Самарқанд вилоят ДАН бўлими автомобилларни рўйхатга олиш идорасига сотиб олган машинамизни (эгаси Самарқанд шаҳрида яшайди) ҳисобдан чиқариш учун бордик. «Компьютерга учранг» дейишди улар. Нима учунлигини билмасак-да, бориб баъзи тўловларни тўладик. Аммо, энди «Бир ҳафтадан кейин келинглар», дейишди. Ноилож қайтдик.

Айтилган вақтда яна борсак бўлмайдими?

Бўлмади. Гарчи улар машинани диагностикадан ўтказиб, корбюраторларини меъёрига етказиб беришлари керак бўлса-да, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ «талон пули» тўлашга мажбур бўлдик. Афсуски, оворагарчилик ҳали ҳам тугамаган экан. Шаҳрисабз туман ички ишлар бўлимига қарашли автомобилларни рўйхатга олиш ва имтиҳон қабул қилиш бўлинмасида «вилоят ички ишлар бошқармаси ахборот маркази-дан машинангиз ўғирланмаганлигини тасдиқлатиб келинг», деган талабни қўйишди.

Ноилож, бориб-келиши 250 километр масофа бўлган Қаршига йўл олдик. Вилоят ички ишлар бошқармаси ахборот маркази бошлиғи, милиция капитани Абдуғафур Тошпўлатов, ўша куни алоқа ёмонлигига қарамай, Тошкентга қўнғироқ қилиб бир соат ичида аниқлаб берди: «машинамиз ўғирланганлар рўйхатида йўқ экан». Хайрият!

Шуниси қизиқки, машинанинг ўғирланмаганлиги ҳақидаги ахборот Республика Ички ишлар вазирлигининг шу иш билан шуғулланувчи бўлимидан (ёки марказ) олинаркан. Қизиқ, самарқандлик ДАН ходимлари чиқариш варақасига бу маълумотни қайд этиб беришса бўлмасмиди?

Бўларди. Аммо, буни бизга лозим кўришмабди. Балки, бу ўз ишларига совуққонлик, бошқаларга бепарволик белгисидир. Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси ахборот марказида эса фуқароларнинг ҳожатини чиқариш, ўз ишларини такомиллаштириш учун имконият қидирилаётганига гувоҳ бўлдик. Ахборот маркази тайёрлаган сурат-роботлар саккизта жиноятнинг очилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигиёқ бунинг исботи. Ахборот маркази яқинда вилоят ва Шаҳрисабз туман ДАН ходимлари билан ҳамкорликда самарқандлик ҳамкасблари ўтказиб юборган машина ўғирлаш жиноятини ечишга муваффақ бўлгани-чи? Маълум бўлишича, шаҳрисабзлик У. Каримов деган фуқаро Самарқанддан сотиб олган «ВАЗ-2109» русумли енгил машина «ўғирланганлар» рўйхатида бор экан. Алматига сўров юборишса тасдиқланибди. Аммо, бу машинани самарқандлик ДАН ходимлари 1995 ва 1997 йилларда икки марта рўйхатдан ўтказишган эди-ку?! 1998 йилнинг 27 июнида эса улар Шаҳрисабзга сотилиб кетаётган машинани ҳисобдан чиқараётиб, «ўғирланмаган» дея далолат берган. Хайрият, қашқадарёлик ички ишлар ходимлари 25 августда машинанинг ўғирлангани ва қўлма-қўл сотилиб келинаётганини аниқлашди. Савол туғилади: ахборот бир жойдан олинса, нега икки вилоятда икки хил манзара?

Яна сўраб-суриштирдик, Қашқадарё вилоят ДАН бўлимида бошқа вилоятларга сотилиб кетаётган машиналарга «ўғирланмаган» деган хулосани ҳам қўшиб беришар экан. Бунинг учун махсус тамға ясатишибди. Нега буни Самарқанд ва бошқа вилоятларга ҳам ёйиш мумкин эмас? Ахир одамларни уёқдан-буёққа беҳуда овора қилишдан ким манфаатдор?

Бошқа бир мулоҳаза. Бугун техника асри. Вилоят ва туманларда бу ишларни компьютерлаштиришни тезлаштириш, алоқа воситаларини такомиллаштириш зарурияти туғилмоқда. Агар булар амалга ошса, «Машинангиз ўғирланганми?» деган саволга ҳафталардан кейин эмас, қисқа дақиқаларда жавоб олинади. Фуқаро қимматли вақтини бекорга сарф қилмайди. Ўрнига жамият учун фойдали бирон иш билан банд бўлади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Энг кучлилар даврасида

Шу кунларда шахмат мухлисларининг диққати Голландиянинг Вейк-ан-зе шаҳрига қаратилган. Бу ерда жаҳондаги пешқадам шахматчилар ўртасида халқаро супер турнир ўтказилмоқда. Қизиғи шундаки, мамлакатимиз спорт юлдузларидан бири, иқтидорли шахматчи Рустам Қосимжонов ҳам энг кучлилар билан бир тахтада дона суришга муяссар бўлиб турибди. Рустам гарчи ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланолмаётган бўлса-да, унинг иқтидорини мутахассислар юксак баҳолашмоқда. Боиси, мусобақанинг энг ёш иштирокчиси бўлишига қарамай, тўртта учрашувни дуранг қилиб, 2 очко жамғаришга эришди. Айниқса Рустамнинг жаҳон чемпиони Гарри Каспаровга рўбару келиши кўпчиликни ҳаяжонга солди. Рустам чемпионга 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса-да, анчагина давом этган бу ўйинда Гаррини тахта узра ўйлантириб қўйишга мажбур қилди. Шахматчимиз навбатдаги учрашувни голландиялик Ван Вили билан ўтказиб, ўзининг дастлабки ғалабасига эришди. Рустам бу ғалабадан кейин жами очколарини учтага етказиб, мавқеини анча мустаҳкамлади.

Таҳлил ва сабоқ

Ўзбекистон миллий олимпиада қўмитаси бош ассамблеясининг VII йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда қўмитанинг ўтган йил мобайнида амалга оширган ишларига якун ясалди. Хусусан, спортчиларимиз Наганода ўтказилган қишки олимпиада, Нью-Йоркда давом этган «Яхши ният ўйинлари», Москвада бўлиб ўтган ўсмирларнинг биринчи Бутунжаҳон ўйинлари ҳамда Бангкокда якунланган XIII Осиё ўйинларидаги иштироклари атрофлича муҳокама қилинди. Йўл қўйилган камчиликлар, эришилган ютуқлар таҳлил этилиб, амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар юзасидан фикр юритилди. Эндиги асосий вазифа 2000 йили Сидней шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўришдан иборат эканлиги қайд этилди.

Янги мавсум нафаси

Футбол мавсумига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Куни кеча биллур соврин — мамлакат кубоги 1/32 финал иштирокчилари учун қураъ ташланди. Унга мувофиқ қуйидаги учрашувлар бўлади: «Косонсой» — «Насаф», «Шаҳрихон» — «Бухоро», «Истиқлол» — «Зарафшон», «Шўрчи» — «Металлург», «Шўртан» — «Нефтчи», «Роҳат» — «Сергели» ўйини ғолиби — «Пахтакор», МҲСК — «Навбаҳор», «Ситора» — «Янгиер», «Семург» — «Орол» ўйини ғолиби — «Андижон», «Тўқимачи» — «Хоразм», «Лочин» — «Темирйўлчи», «Цементчи» — «Трактор», «Машъал» — «Самарқанд», «Хива» — «Дўстлик», «Кимёгар» — «Сўғдиёна», «Қизилқум» — «Сурхон» билан куч синашади. Бу йил 1/32, 1/16 ва 1/8 финал учрашувлари ўтказилади. Чорак финалдан бошлаб ўйинлар келаси йили бўлади. Жамоалар эса ўртоқлик учрашувларида имкониятларини синашмоқда: «Трактор» — «Қайрат» (1:2), «Роҳат» — «Трактор» (1:2), «Роҳат» — «Қайрат» (1:3), «Дўстлик» — «Қайрат» (1:5), «Янгиер» — «Роҳат» (2:1), «Трактор» — МҲСК (3:0), «Дўстлик» — МҲСК (2:1), «Пахтакор» — «Қайрат» (0:3).

«Ўзнефтмаҳсулот» Акционерлик Компаниясининг 12.01.1999 йил 4-сонли буйруғига асосан «Тошшаҳарнефтмаҳсулот» унитар корхонаси 01.01.1999 йилдан бошлаб

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошшаҳарнефтмаҳсулот» корхонаси вориси этиб янги ташкил этилган «Тошнефтмаҳсулот» корхонаси тайинланди.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 28 yanvar, payshanba № 11 (24.406).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Мурожаат учун телефонлар:

24-57-97.
24-72-00.
24-85-00

«Ўзнефтмаҳсулот» Акционерлик Компаниясининг 12.01.1999 йил 4-сонли буйруғига асосан «Тошвилнефтмаҳсулот» корхонаси 01.01.1999 йилдан бошлаб

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошвилнефтмаҳсулот» вориси этиб «Тошнефтмаҳсулот» корхонаси тайинланди.

«Ўзнефтмаҳсулот» Акционерлик Компаниясининг 12.01.1999 йил 4-сонли буйруғига асосан «Тоштранснефтмаҳсулот» корхонаси

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бу ташкилотнинг вориси этиб янги ташкил этилган «Тошнефтмаҳсулот» корхонаси тайинланди.

«Ўзнефтмаҳсулот» Акционерлик Компаниясининг 12.01.1999 йил 4-сонли буйруғига асосан бекор қилинган «Тошшаҳарнефтмаҳсулот» унитар корхонаси, «Тошвилнефтмаҳсулот» ҳамда «Тоштранснефтмаҳсулот» корхоналари негизида 01.01.1999 йилдан бошлаб «Тошнефтмаҳсулот» корхонаси тузилди.
«Тошнефтмаҳсулот» корхонаси бекор қилинган ва юқорида номлари қайд этилган корхоналарнинг вориси этиб тайинланди.
Барча масалалар бўйича «Тошнефтмаҳсулот» корхонасига мурожаат этилсин.
Юридик манзилимиз:
Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 17-мавзе, ишлаб чиқариш ҳудуди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Нурбек ТОШНИЁЗОВ*, навбатчи *Соҳиб САЛИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 25.805 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади
Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Илму ҳикмат сувни ёндирар

ҲАЛИМ МУҚАРРАР... БИРОҚ...

2) ...бу чангалдан бизни СУНЪИЙЛИК асрайдими?

Дарҳақиқат, сунъийлик деганда бир қарашдаёқ роботга айланиб қолиш деган гап эмаслигини англаш мумкин. Шунинг учун ҳам олимлар инсон тана қисмларининг ўрнини боса оладиган сунъий «организмлар» тайёрлаш ва уни амалда жорий этишни такомиллаштириш борасида тинмай изланмоқдалар. Яқингинада тана «муҳандислари» оёқ ё қўлидан жудо бўлганларга ҳатто ранги ҳам инсон танасига мос келмаган протезлар қўйиш билан чекланишарди. Бугунги кунда эса ўша протезларга жон ато этилиб табиийсидан нафақат ташқи кўринишда, балки жисмоний ҳаракатдаям деярли фарқланмайдиган сунъий «организмлар» яратилиб беморларга ўрнатилмоқдаки, бу «организмлар» уларда ҳеч қандай бесўнақайлик ва ноқулайлик туғдирмайди. Бунга америкалик машҳур олим, сунъий «организмлар» ихтирочиси доктор Джо Роузеннинг илмий-амалий ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Джо шунчалар ғайритабиий қобилиятга эгаки, қўйиб берса у инсон организмининг майда бўлакларидан янги, тирик ва онгли одам ясаши мумкин.

Бир гал унинг қабулига қадрдон мижози — машҳур цирк устаси, роботлар соҳиби Марк Полинг ёрдам сўраб келганди. Сабаб: цирк томошагоҳида ўйин кўрсатаётган роботлардан бири «жаҳли чиқиб» (тўғрироғи, унинг «мия»сига нимадир таъсир қилган) ўз эгаси қўлининг барча бармоқларини чопиб ташлайди. Шунда Марк Полинг Джо Роузен қабулига боради. Бироқ, вақт ўтганди. Чопилган бармоқларни қайта улаб бўлмасди. Лекин, Джо Роузен барибир йўлини топди, яъни янги тажрибага қўл урди. Шундай қилиб Маркнинг оёғидаги бармоқларини кесиб олди-да, қўлига улади, ҳатто қон томирларию майда нерв толаларини-да бир-бирига омухта қилиб улади. Натижа муваффақиятли чиқди. Миядан берилган буйруқни бармоқлар тўғридан-тўғри бажариб, аввалги бармоқлар вазифасини тўлақонли адо этадиган бўлди. Фақат бир лекини бор эди, у ҳам бўлса, бармоқлар ҳунук кўринишдадир.

Ёки АҚШда кўзи ожизлар дунёни ўз кўзидек кўриши мумкин бўлган сунъий кўз яратилганлигини айтиб ўтмасак инсофдан эмас. Қизиғи шундаки, бу кўзлар табиий кўзлардан-да улуғворроқ. Негаки, у одатдаги одамлар кўрмайдиган ва илғамайдиган инфрақизил ва ультрабинафша нурларни ҳам идрок этади. Бундан ташқари, марказий нерв тизими сигналларини ҳаракат «тили»га, яъни қайси сигнал қандай ҳаракатга таллуқли, тўғрироғи, қандай ҳаракатни туғдиришини «таржима» қилиб, бизнинг тилда тушунтириб берадиган компьютер тизими яратилди. Эндиликда худди шу тизим шарофати билан танага уланган протезлар ҳам миядан юборилган буйруқни бемалол тушуниши ва сўзсиз бажариши мумкин.

Профессор Джо Роузен яна беш-олти йил ичида йиғилган тана аъзоларидан бутун бошли одам яратмоқчи. Бу одамнинг айрим органлари механик қисмлардан иборат бўлади. Ҳозирги кунда Роузен супер протез-қўл яратган. У елка мускулларига уланиб, табиий қўллар бажарадиган барча юмушларни аъло даражада бажара олади.

— Менга фақат тирик инсон мияси керак холос — аъзо-ю-баданига буйруқларни инсоний шаклда, онгли берадиган — организмнинг қолган аъзоларини механик қисмлардан яратиш мумкин ва у худди инсондек, балки ундан ҳам қатъийроқ фаолият кўрсата олади, — дейди Роузен.

Мана, XX аср илми бизга нималар бермоқда! Инсон миясининг ўйлаш, фикрлаш, яратиш имкониятлари қанчалар чексиз ва кучли?!

Роузен ясашни назарда тутган одамлар киборглар дейилади. Бу атама илк бор етмишинчи йилларда Америкада намойиш этилган «Олти миллион доллар турадиган одам» телесериалида қўлланилган. Кино киборг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Дарвоқе, кино Мартин Кэйденнинг ҳарбий учувчи Стив Остин қисмати тўғрисида ёзган бозоргир китоби асосида суратга олинади. Китобда ёзилишича, Стив Остин авиаҳалокатга учраб, ўта оғир жароҳатланади. Аммо моҳир жарроҳлар саъй-ҳаракати натижасида у тирик қолади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Стивга сунъий деталь-органлар (механизмлар) ўрнатилади ва ўзининг айрим тирик қолган аъзолари қайта жонлантирилади.

— Китобдаги воқеалар фақат ўйлаб топилган фантастика эмас, балки ғайритабиий воқеликнинг шоҳиди бўлган киши ҳикоясидир, — дейди муаллиф.

Унинг айтишича, Стив Остин ҳаётда бор одам. Лекин, ҳарбийлар буни қаттиқ сир тутишмоқда. Авиаҳалокат содир бўлган жойга шифокорлар етиб келишганида учувчи бор билан йўқнинг ўртасида тирик бўлиб, унинг яшаб кетишига ҳақиқий маъно да умид йўқ эди. Шунинг учун ҳам ҳарбий жарроҳлар ўта махфий усул — сунъий одам яратишга қарор қилишди. Тажриба муваффақиятли якунланди. Киборг-учувчи яна авиацияга қайтди ва муваффақиятли тарзда учишни давом эттирди.

Кэйден ҳикоясини шарҳлашдан ҳозирча ҳарбийлар бош тортишмоқда. Бироқ, шу нарса аниқки, ҳар қандай ҳарбий буйруқларни ўлимдан ҳам қўрқмай сўзсиз бажара оладиган киборгларни яратиш тажрибаси айнан Пентагон лабораторияларида амалга оширилган. Лабораториядан чиққан бундай суперодамлар ҳар қандай душманга қақшатқич зарба бера олади.

Киборглар тайёрлаш дастури етмишинчи йилларда амалга оширила бошланди. Ва бу хавфли тажрибага фақат кўнгилли бўлганларгина ўз хоҳишига кўра қабул қилинди.

Ҳозир америкаликлар бу борадаги барча тадқиқотларни ва унинг тафсилотларини қаттиқ сир тутишмоқда. НАТО эса табиий одамдан характери тамоман фарқ қилувчи, сунъий қисмлардан иборат танани (бош мия фақат инсонники бўлиши керак) — ҳукмрон ҳарбий аскарларни яратиш дастурини янада мукаммаллаштириш устида ишламоқда.

Ҳозир олимларни бир савол ўйлантириб турибди: киборглар тайёрлаш учун зарур бўлган инсоннинг қуруқ танаси ва тирик миясини қаердан олиш масаласи.

Америкалик машҳур жарроҳ Дональд Хэмфри шундай дейди:

— Яна беш йилдан сўнг шундай компьютер тизими яратиладики, у сунъий қисмлардан иборат танга билан унга ўрнатилган инсон мияси ўртасида супералоқа воситасини бажаради. Биз жонсиз органларга жон ато этишни ўрганиб бормоқдамиз. Мана, масалан, супер протез-қўлни олайлик. У инсон қўлидан анча мустаҳкам ва кучли. Фақат бир муаммо бор, у ҳам бўлса бу сунъий аъзоларга онгли буйруқ берувчи мияни қаердан олиб ўтказиш.

Олимларга бу борада «Экстропи» гуруҳига бирлашган «фанатик»лар ёрдам беришмоқчи. Улар киборг бўлишни, яъни зўр қувват билан ишловчи сунъий юракни, ўта жозибадор ва қоматдор, чиройли ва силлиқ ташқи кўринишни, кучли ва қатъий бўлишни жон-дилидан севишади, ашаддий ишқибоз. Шунинг учун ҳам гуруҳ асосчиси бўлмиш Макс Мур киборг бўлишга ихтиёр этган. Ҳозирги кунда Макс Мурни олимлар синчиклаб ўрганишмоқда. Ўйлаймизки, саноқли йиллардан сўнг инсоният эволюцияси яна бир поғона юқорига кўтарилса ажаб эмас.

Бироқ, фандаги бу хил янгиликка кўпам дўппини осмонга отиб қувонавермаслигимиз керак экан. Негаки, кун билан тун доим бирга бўлганидек, ҳар яхшига қарши ўлароқ ёмон ҳам бор. «Киборг-шунослик»нинг ёмон томони шуки, одам буткул бўлмаса-да, ҳар қалай анча сунъийлашиб кетади. Бу деган сўз унда инсоний ҳис-туйғу — қувонч ва ташвиш сезгилари, меҳр ва муҳаббат оташлари ва бошқа бир қанча фазилатлар етишмайди. Шу важдан ҳам уларга қарши бўлган кучлар мавжуд. Улар қўлида инкор этиб бўлмайдиган иккита энг асосий дастак бор. Биринчиси, бадиий адабиётга молик. Фантастик романларда сунъий одамлар инсоният бошига фақат ва фақат кулфат ёғдиради, унинг энг катта душмани бўлиб хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам романлардаги воқеликларда бироз бўлса-да, жон бор. Ахир Ер юзида энг тараққий этган жонзот — бу инсоният. Демак, инсонга қарши ким кураша олади — фақат инсон-да! Хўш, ўша киборглардан инсониятга қарши қурол сифатида фойдаланилмайди, деб ким кафолат беролади? Ахир Мартин Кэйден китоби қаҳрамони Стив Остин ҳам сунъий одам — киборг-учувчи тарзида ҳаётга қайтиб, ҳарбий самолётида инсонларга қаттиқ зарба берган-ку! Бора-бора босқинчи киборглар тайёрланмаслигига олимлар Ер юзи аҳолисини ишонтира олишолармикан? Қисқаси, тубсиз ва жавобсиз саволлар кўп.

Иккинчи дастак тиббиётга молик. Олимларнинг тасдиқлашларича, танага механик аъзолар ўрнатиш ва уни жонлантириш пайтида инфекция юқиш эҳтимоли кўп экан. Демак, тажрибанинг барчаси ҳам ўйланганчалик муваффақиятли чиқавермайди. Лекин, изланишлар сусайгани йўқ.

Киборглар тайёрлаш масаласида, айниқса, генетиклар фаоллик кўрсатишмоқда. Шундай фаоллардан бири швейцариялик олим Вальтер Герингдир. Уни швейцарияликлар инсониятнинг ердаги худоси дейишади. Сабаб: ҳеч кимнинг хаёлига келмаган илмий-амалий тажрибаларни муваффақиятли бажарган. Масалан, илмий лабораторияда ҳашарот оёқларига қўшимча кўзлар ўрнатган. Асосий кўзлар ишдан чиқиб кўрмай қолса, бу кўзлар ишга тушади ва худди асосий кўзлардек кўриш вазифасини аъло бажаради. Худди шундай операцияни Геринг одамлар устида ҳам ўтказишга тайёр, фақат инсониятнинг ўзи учун тузган маънавий ва ахлоқий меъёрлари уни бу йўлдан қайтариб турибди.

Қисқаси, бу тажриба ва изланишларнинг барчаси замирида башариятнинг бошида соя бўлиб турган ўлимдан қутулиш чораси ётибди. Ҳар қалай, шаккоклик бўлса-да, ўлимнинг муқаррарлик ҳолатидан инсониятни сунъийлик асрай оладими-йўқми буни вақт кўрсатади. Лекин, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, инсон тирик экан тараққиёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Албатта, илм-фанда, ҳаётда яна нимадир, яна қандайдир янгилик ва тажрибалар туғилаверади, туғилаверади. Зотан, инсон ақли яратувчилик қобилияти билан лиммо-лим.

Алимқул СУЛТОНОВ

АТБ «Ўзсаноатбанк»ни ИАТ «Савдогарбанк»ка бирлаштирилиши муносабати билан АТБ «Ўзсаноатбанк» томонидан муомалага чиқарилган акциялар бир ой муддат ичида

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси жамоаси «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси бош директори Комилжон Раҳимов ва унинг оила аъзоларига оналари **ГАВҲАРЖОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, «Голос Узбекистана» — 136-26-70, «Осиё бозори» — 133-38-55